

## МУЗЕЙЛАРДА РЕСТАВРАТЦИЯ АМАЛИЁТЛАРИ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг катта илмий ходими. З. Комилова.*

*“ Бугун миллион-миллион ватандошларимизнинг онги, тафаккури ўзгариб, уларислохатлар жараёнига ўзини бевосита дахлдор деб билмоқда, бу ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бугун биз ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган юк- са мақсадларимиз сари дадиллик билан бормоқдалар. Вужудимизда, қонимиз- аجدодларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбекистонни албатта бунёд этамиз.*

***“ Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти. ”***

Дарҳақиқат Ўзбекистон халқларининг қадимий ва ноёб бойликларини намоён этирувчи кўп асрлик маданий мерос асосан Марказий Осиё минтақасини музейлари фондларида жамланган. Музейларимиз тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга ошириб борадиган муассаса ҳисобланади. Музейларимизнинг жамланмаларида асосан моддий ва тасвирий нарсалар, шунингдек санъат асарлари жамланади, шу билан бирга ёзма манбаалар яъни қадимдан ҳозирги давргача бўлган тарихий қимматга эга бўлган кўп қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китоблар сақланади. Албатта бу турлардаги асори атиқалар доимий равишда реставрацияга мухтаж бўлиб боради. Аждодларимиздан бизгача етиб келган асори- атиқаларимиз афсуски вақтлар ўтиши билан об-ҳавони тасирида ўз тузулишини йўқотиб боради. Шу каби турли асори- атиқаларимиз қаторига кўпроқ сополдан ясалган турли уй-рўзғор буюмлари киради. Бошқа металлاردан ясалган буюмлар сополга нисбатан кўпроқ вақт яхши сақланиб туради, лекин уларга ҳам вақт ўз таъсирини ўтказади. Музейлар

экспонатларини асли ҳолича сақлаш ва ўз ҳолига қайтариш яъни амалий реставрация ишларини бажариш мутаҳасислар ёрдамида амалга оширилади. Қадимий буюмларни емирилишдан асрашга қодир бўлган тажрибали мутаҳасислар барча музейларимизда ҳам мавжуд эмас. Халқаро миқёсдаги алоқалар кенгайиб бораётган бугунги шароитда, чет эллик мутаҳасисларнинг таржибасига таянган ҳолда реставрациялар ишларини янада кучайтириш ишларини йўлга қўйиш жуда ҳам актуал масалалардан бўлиб келмоқда. Маданий бойликларни реставрация қилиш ва сақлаш ишларига оид экспонатларни сақланиши масалаларига назарий ёндашувлари ва уларни сақлашдаги асослар кўп илм - фандан фойдаланишнинг асосий жиҳатлари, маданий бойликларни сақлашнинг амалий усуллари муҳим вазифаларни бажариш энг қадимий асори- атиқалар умрини узайтиришга асос бўлади. Тарихий кулолчиликка оид буюмларни сақланишлари ва реставрация ишлар давомида қуйдаги ишлар амалда бажарилиб боради. Тош, суюк, фил суюги каби археологик ашёлар таркибида эрувчан тошлар бўлганлиги сабабли, уларнинг емирилиши сабаблари, тузларнинг аниқлаш тозалашнинг анъанавий усуллари, музейларда сақлаш шароитлари амалий бажарилади. Буюмларини реставрацияси қилиш жараёнида паст оловда пиширилган буюмлардан тортиб, чинни идишларгача бўлган кенг турдаги кулолчилик материаллари илмий асосларга таяниб ўрганиб чиқилиб, сўнгра амалий ишларга ўтилади. Назарий ва амалий жараёнлар давомида кулолчилик буюмларини таёрлаш, ишлаб чиқариш усуллари, уларни емирилиши ҳамда бундай буюмларга турлича консервацион ишлов бериш ва уларни жуда узоқ вақт сақлашнинг асосий ҳисобланган жиҳатлари кўриб чиқилади. Шу тариқа хом ашё, буюмларга шакл бериш ва уларни обдан пишириш, маданий мерос ва меъморий плиткалардаги керамиканинг маълум бўлган турлари, кулолчиликка оид буюмларини сақлашдаги ахлоқий қоидалари, ашёларни тозалаш, мустахлаш, тузсизлантириш-зарарлантириш таркибий жиҳатдан таъмирлаш, зарарларни қоплаш, тарихий таъмирлаш, техник

тадқиқ этиш, кулолчилик буюмларини сақлашнинг замонавий тенденциялари каби илмий тадқиқот натижалари ҳам реставротция асосларидан ҳисобланади.

Мис, кўрғошин, олтин, қалай, кумуш, никел, темир, рух, алюминий каби қадимий ва тарихий металлларни сақлаш ишлари ҳам таъмирловчи усталаримиз учун муҳимдир. Илк шишани пайдо бўлиши бизгача ноъмалум, лекин унинг ривожланиши фаянс каби сопол ва сирни таёрлашнинг дастлабки усуллари ёки метал рудасини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлиши юзасидан ҳам тадқиқотлар ўтказилган. Археологик шиша жуда нозик бўлади, ҳатто яхши сақланган турли шишаларни ҳам осонгина синдириб қўйиш мумкин. Ашёларнинг муваффақиятли тикланишини таъминлаш учун қазилмалар жараёнида жуда эҳтиёткорлик билан ишлашни талаб этилади. Ашёларни таъмирлашдан кўзланган яна бир мақсад уларни нафақат ўзлигини сақлаб қолиш балки емирилиш жараёнини тўхтатишга қаратилган. Музей ашёларини таъмирлашда экспонатларнинг физик ҳолатини ҳам инобатга олинади. Таъмирлаш ишларини оддийликдан токи мураккаб усулларгача бўлган жараёнлари мавжуддир. Юқоридагилар қаторида Ўзбекистонда меъморий ёдгорликларни асраш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш тамоиллари “Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисида” ҳам қатор фармон-қарорлар жорий этилиб келмоқда. Ушбу миёрий ҳужжатлар ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек меъморий ёдгорликларни муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш бўйича қайд этилган талаблар даражаси бўлиши муҳимдир. 20-асрнинг 20-30-йилларида Ўзбекистон бўйича таъмирталаб қошинли обидаларни сақлаб қолиш мақсадида чора тадбирларга анчагина эътибор кучайганди. Чунки бу вақтга келиб кўплаб обидалар, археологик топилмалар ва бошқа асори – атиқаларимиз таъмирга мухтажлиги сезилиб қолганди. 20-асрнинг 70-йилларида ўзбек таъмирчилари сиркор қошин ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги натижасида сифати, мустаҳкамлиги, қадимий қошинлардан кам

бўлмаган технологияси яратилди. Бу технология асосида таъмирлаш ишларида анчагина ютуқларга эришилди. Таъмирлаш жараёнида кўпинча турли даврларнинг қурилиш технологиясидан кенг фойдаланилганди. Реставрация – қурилиш ишлари давомида беғаразлик, ўзоро ёрдам, бир-бирини қўллаш, бағрикенглик каби азалий халқ анъаналари ўз ҳаётийлигини исботлади. Ижтимоий ва диний мансублиги, ёши ва яшаш жойидан қатъий назар турли миллат вакиллари юрак амри билан Ватанимизнинг буюк тарихига дахлдор эканликларини англаган ҳолда, ихтиёрий равишда ўз кўчаси, қишлоғи, шаҳри ва давлат меросини, қадимий хунарманбчилик наъмуналарини таъмирлашда ўз ёрдамларини аямай хихмат этиб келмоқдалар. Сўнги ўн йилликлар давлат қурилиши жаҳон амалиётида тарихий ёдгорликларнинг маданий-ахлоқий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлаш, замонавий жамиятнинг маънавий бирлигини мустахкамлашдаги биринчи даражали ўрни эътироф этилиши бежиз эмас. Шу билан бирга бугунги кун шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлиги фақат унинг мудофа қобилиятини мустахкамлаш, стратегик ва ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилувчи махсус тузулмалар самандорлигини таъминлаш долзарб. Ҳозирги кунда музейларнинг жамият ва инсонлар ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Ўтмишни, тарих тажрибасини ўрганиш, аждодлар яратган бетакрор моддий ва маънавий меросни асраш ҳамда тарғиб этишда, истиқлол йўлиги мақсадларни аниқлашда музейлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда Ўзбекистонда мавжуд бўлган 130 дан зиёд музейлар фаолият кўсатаётган бўлса, ушбу музейларда халқимизнинг узоқ тарихидан ҳикоя қилувчи, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтихорни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга экспонатларимиз экспозициялардан жой олган. Шунингдек уларнинг бир қисми қайта таъмирга муҳтожлиги боис қайта руйхатдан ўтказилмоқда. Экспонатларнинг табиий эскиришини олдини олиш учун ёруғлик тартибига ҳам риоя этиш зарурдир. Ёруғлик таъсирида, айниқса ултрабинафша нурлар остида предметлар билан

фотокимёвий ўзгаришлар содир бўлиши, улар сарғайиши, қорайиши, оқариши ёки бутунлай рангсизланиши мумкин. Ёруғлик тизими музей экспонатларига таъсири жуда каттадир. Бу экспонатларнинг қандай хом-ашёдан таёрланганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан металл экспонатлар ёруғликка чидамлилиги юқори бўлса ҳам уларга кучли ёруғлик таъсири сезиларлидир. Придмет-ларда доимий равишда эскириш жараёни кузатилиши табиий ва уни тўх-татиб бўлмайди. Фақат бу жараёни секинлаштириши мумкин холос. Сақлаш жараёнида асосий ўринни иқлим эгаллайди. Бу ҳарорат, нам-лик ёритиш ва тозалик уйғунлигидир. Ҳарорат – намлик тартибининг беқарорлиги, турли фасилларда кескин ўзгариб туриши экспонатларнинг эскириш жараёнини тезлаштирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Демак йиллар ўтган сари маданий мерос ашёлари табиий таъсирлар сабабли эскиради ва музейлардаги жамланмаларга сезиларли таъсир қолдиради. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, музейларнинг аксарият экспонатлари таъмирталаб. Музейларда ашёларни реставрацияси учун ҳам маълум миқдорда маблағларни йўналтирилиши зарурдир. Ҳар бир халқнинг ўзигагина хос тарихи, ўз тараққиёт йўлига эга бўлгани унинг бетакрор миллий ўзлик, социал – ижтимоий ва эстетик ахлоқий ривожланиш хусусиятларини белгилайди. Аждодлар яратган бу анъана-қадриятларни бойитган ҳолда келажак авлодларга етказиш ҳар бир халқнинг ижтимоий ёки маданий-маънавий тараққиётнинг барча даврий босқичларида асосий тамоили бўлиб келди. Ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг тарихий, маънавий, бадиий ва ишлаб чиқариш тажрибаларини музейлар фаолиятида асосий вазифалар сирасидан ҳисобланади. Музей жамланмаларида сақланаётган тарихий ашёларни тақдимот ва тарғибот қилиш билан бирга таъмирлаш вазифалари музейларнинг асосий ишлари қаторидадир. Шунинг эътирофи этишимиз мумкинки бугунги кунларга келиб музейларга бўлган эътибор ва талаб янада ортиб бормоқда. Бу албатта музейларнинг ижтимоий- маънавий вазифаларига боғлиқдир. Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган барча музейларимиз тизимини янада

тақомуллаштириш, уларнинг халқ маънавий-ахлоқий камолотидаги тутган ўрниларини ошириб бориш, музейлар жамланмаларида сақланиб бораётган халқимизнинг бой тарихини, ўтмишини ва мустақиллик даврини англаувчи асори-атиқаларни ўз холича сақлаш, реставрация ишлари орқали уларни умрини узайтириб бориш ишларида илмий изланиш музей ходимларининг зиммаларидадир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳукума-тимиз томонидан қабул қилинган кўплаб фармон ва қарорлар натижасида бутун республика миқёсида музейлар тизимини ривожлантириш, уларни замон талабларига мос равишда қайта таъмирлаш ва жихозлаш ишлари амалга ошириб борилмоқда. Жумладан ҳукуматимиз томонидан берилган эътибор сабабли Вазирлар Маҳкамасининг 975-сонли қарори асосида Андижон ва Фарғона музейларини капитал таъмирланди. Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида капитал таъмирлаш ишлари қарорга кўра 2026-2027-йилларга белгиланди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат музейларида сақланиб келаётган аجدодларимиздан бизгача етиб келган қадимий асори-атиқаларимизни асл холича келажак авлодга қолдириш ота-боболаримизга бўлган ижобий ёндашувимиз ва ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги илмий изланиш самараси бизнинг йўлларимиздандир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

1. "Мозийдан садо" – илмий-амалий, маънавий-маърифий журнал. 2022-2023-йиллар сонлари.
2. "Фарғона водийсида музей иши ва фаолияти" И. Юсупов, И. Каримов. 2022-йил, Ўзбекистон Республикаси. Маданий мерос агентлиги.
3. "Мозий собоқлари" – Алижон Азизов. Наманган- 2021-йил.
4. "Санъат" журнали- 2013-йил.
5. "Гулистон" – ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданий-маърифий журнал. 2021-2022-йил.